

ЎЗБЕКИСТОНДА ХУСУСИЙ КАПИТАЛНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ УСТУВОР ЙЎНАЛИШЛАРИ

Холбозоров Хусниддин Норбек ўғли

Тошкент давлат иқтисодиёт университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Ушбу мақолада хусусий капиталнинг мазмун-моҳияти бораси фикр-мулоҳазалар келтирилган. Хусусий капиталнинг мамлакат иқтисодиётини ривожлантиришдаги аҳамияти таҳлил қилинган.

Калим сўзлар: *Хусусий капитал, бозор иқтисодиёти, инвестиция, рақобат.*

ABSTRACT

This article presents views on the essence of private capital. The importance of private capital in the development of the country's economy is analyzed.

Key words: *private capital, market economy, investments, competition.*

КИРИШ

Ҳозирги юқори рақобатли бозор иқтисодиёти шароитида компаниялар барқарор фаолияти ўз ресурслардан оқилона фойдаланишга боғлиқ ҳисобланади. Бунда корхоналарда хусусий капитал миқдорини кўпайтириш ҳамда ундан самарали фойдаланиш муҳим амалий аҳамият касб этади. Компания ва корхоналарнинг ҳиссаси мамлакат ЯИМда катта қисмни ташкил этиб, уларнинг фаолияти бутун иқтисодиётга таъсир қилмасдан қолмайди.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегиясида учинчи устувор йўналиш “Иқтисодиётни ривожлантириш ва либераллаштиришнинг устувор йўналишлари” – деб номланиб, унда давлат мулкани хусусийлаштиришни янада кенгайтириш ва унинг тартиб-таомилларини соддалаштириш, хўжалик юритувчи субъектларнинг устав жамғармаларида давлат иштирокини камайтириш, давлат мулки хусусийлаштирилган объектлар базасида хусусий тадбиркорликни ривожлантириш учун қулай шарт-шароитлар яратиш, корпоратив бошқарувнинг замонавий стандарт ва усуллари жорий этиш, корхоналарни стратегик бошқаришда акциядорларнинг ролини кучайтириш каби ишлар кўзда тутилган.

Ҳудудларда корхоналарнинг ишлаб чиқариш салоҳиятини ошириш, маҳаллий корхоналарни қўллаб-қувватлаш, уларнинг ишлаб чиқариш самарадорлигини таъминлаш негизида айнан шу корхоналар ва компанияларни

хусусий капитали ҳажмини ошириш ётади десак хато бўлмайди. Шу боис, корхоналарда молиявий ресурслардан самарали фойдаланиш муҳим аҳамият касб этади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ

Бир қанча ўзбек иқтисодчилари ўз илмий изланишларини хусусий капитал ҳисоби ва улардан фойдаланишни таҳлил қилишнинг назарий ва амалий жиҳатларига бағишлаганлар, улар орасида Ибрагимов А., Очилов И., Қўзиёев И., Ризаев Н., Каримов А., Исломов Ф., Пардаев А.Х., Пардаев Б.Х. кабиларни киритиш мумкин¹.

Шу билан бир қаторда, хорижий иқтисодчиларидан ўз илмий изланишларини хусусий капитал ҳисоби ва ундан фойдаланишни таҳлил қилишнинг назарий ва амалий жиҳатларига бағишладилар, улардан: Алисенов А. С., Бабаев Ю. А. Захаров И. В., Кондаков Н. П., Мелник М. В. кабиларнинг илмий изланишлари айниқса таҳсинга сазовор.

ТАДҚИҚОТ МЕТОДОЛОГИЯСИ

Хусусий капиталнинг мамлакат иқтисодиётига таъсири масаласига бағишланган мазкур мақолада аналитик таҳлил қилиш, қиёслаш, индукция ва дедукция усулларида фойдаланилди.

ТАҲЛИЛ ВА НАТИЖАЛАР МУҲОКАМАСИ

Ҳар қандай компаниянинг мақсадлари ичида энг муҳими фойда олиб ишлаш ҳисобланади. Шу маънода ҳар қандай иқтисодий ҳаракат натижаси албатта фойдалиликни, манфаатликни таъминлаши керак. Бугунги режали бозор иқтисодиётининг асосий жиҳати шундаки, социалистик тузумдаги режали иқтисодиётда фарқли ўлароқ, ҳар бир иқтисодий субъект учун кенг имкониятлар очиб беради. Маъмурий бошқариш ёки режалаштиришда, хўжалик фаолиятини ташкил қилиш, бошқаришнинг шакл ва услублари тизимидаги тубдан ўзгаришлар асосида бошланган бозор иқтисодиётига ўтиб бориш, иқтисодий ҳаракатга бўлган иштиёқ ва эркинликни ўстирган ҳолда, аниқ ва ўз номидан мулк ва ютуқлар эгаси сифатида чиқувчи ҳаракат субъектларини қарор топишига имкон бермоқда.

Эркин бозор мунособатларига асосланган шароитда ишлаб чиқариш, тижорат ва тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйиш ва юритишдан энг асосий мақсад юқори натижавийликка эришиш ҳисобланади. Хусусийлаштириш, давлат тасарруфидан чиқариш ва акциядорлаштириш жараёнлари бозор

¹ Исманов, И. (2021). Узоқ муддатли активлар ҳисобини юритиш. Scienceweb academic papers collection; Ismanov, I. N., & Axmadaliev, B. (2021). Factors Influencing The Formation Of International Budget Accounting Systems. The American Journal of Management and Economics Innovations, 3(09), 21-30.

иқтисодиёти шароитида вужудга келган ва турли мулкчиликка асосланган хўжалик юритувчи субъектларнинг салоҳиятини уларнинг хусусий капитали кўрсаткичи характерлайди. Хусусий капиталга етарли даражада эга бўлмаган хўжалик юритувчи субъект фаолиятини узлуксиз ривожлантира олмайди ва бозорда вужудга келадиган рақобатга бардош бериш қobiliяти суст бўлади. Шунинг учун ҳам хусусий капиталга эга бўлиш, уни доимий тарзда кўпайтириб бориш бозор иқтисодиёти шароитида ҳар қандай хўжалик юритувчи субъектнинг, ривожланишига кафилик берувчи муҳим элемент бўлиб ҳисобланади. Хусусий капитал ҳозирги эркин бозор иқтисодиёти шароитида муҳим аҳамиятга эга бўлиб, у корхонанинг ўз қудрат даражаси қай даражада эканлигини билдиради².

Бугунги кунда республикада турли мулкчилик мавжуд бўлиб, буларга давлат мулки шаклидаги, акциядорлик жамияти шаклидаги, маъсулияти чекланган жамият шаклидаги, қўшма корхона шаклидаги ва бошқа корхоналар киради.

Хўш, хусусий капитал нима? Хусусий капитал - бу очик бозорлардан ташқарида тақдим этиладиган риск капитали (инвестиция) шакли. Бирор бизнесни сотиб олишни, компанияни жонлантиришни, бизнесни кенгайтиришни ёки ўз бизнесини очишни истаганлар учун хусусий сармояларни жалб қилиш жуда яхши танлов бўлиши мумкин. Хусусий капитал асосан капитал даромадларини шакллантиришга йўналтирилган. Аслида, инвесторлар бизнесда улушни сотиб олишади, бизнесни бошқаришда фаол иштирок этишади ва кейин уни сотиш ёки жойлаштириш орқали бизнеснинг ортиб бораётган қийматидан фойда олишади.

Хусусий капитал – хўжалик юритувчи субъект активларининг барча мажбуриятлар чегирилганидан қолган қисми, яъни корхона эгаларининг ушбу корхона активларидаги улушидир.

Хусусий капиталнинг иқтисодий моҳиятини унинг функциялари орқали очиб бериш мумкин. Хусусий капиталнинг функциялари қуйидагилардан иборат:

- Хўжалик фаолиятини узоқ муддатга молиялаштириш;
- Кредиторларнинг ҳуқуқини ҳимоя қилиш масъулияти;
- Етказилган зарарни қоплаш;
- Мустақиллик ва мулкка эгалик ҳуқуқи;
- Даромад ва активларни тақсимлаш ва бошқалар.

² Абдукаримов И.Т., Абдукаримова Л.Г. Изучение состояния и использования собственного капитала предприятия на основе бухгалтерской отчетности. Актуальные вопросы экономики и управления. 2013. - С. 132.

Функцияларидан кўриниб турибдики, хусусий капитал корхонанинг молиявий пойдевори бўлиб ҳисобланади.

Хусусий капитал ҳисобининг асосий мақсади бўлиб, ахборотдан фойдаланувчиларни хусусий капиталнинг шаклланиши, у билан боғлиқ жараёнлар, хусусий капиталнинг ҳолати тўғрисидаги маълумотлар билан таъминлаш ҳисобланади. Мамлакатимизда хусусий капиталнинг бухгалтерия ҳисоби Ўзбекистон Республикасининг 2016 йил 13 апрелдаги “Бухгалтерия ҳисоби тўғрисида”ги ЎРҚ-404- сонли қонуни, 2014 йил 6 майдаги “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги ЎРҚ-370-сонли қонун ва Ўзбекистон Республикасининг янги таҳрирдаги Солиқ кодекси билан тартибга солинади. Хусусий капиталнинг бухгалтерия ҳисобида муҳим масалалардан бири – бу устав капиталини шакллантириш ва унинг миқдоридир. Мамлакатимиз қонунчилигига асосан корхона устав капиталининг миқдори жамият уставида белгиланиши кўрсатилган. Хусусий капитал ҳисоби ўз ичига бир қанча кўрсаткичларни олиб, уларқуйидаги тартибда ташкил этилади:

Устав капитали;

Кўшилган капитал;

Резерв капитали;

Тақсимланмаган фойда;

Хусусий капитал билан қопланмаган зарар.

Корхонанинг устав капитали ўз маблағлар манбаининг асосини ташкил этади. Устав капитали таъсисчилар томонидан қўйилган пай тўловларини, акцияларининг номинал қийматини ўзида сақлайди. Унинг ҳисоби эса ҳукумат қарорлари ва таъсисчиларнинг йиғинида қабул қилинган қарорлар асосида юритилиб борилади. Давлат ташкилотларида устав капитали давлат бюджети томонидан ажратилган мулкни кўрсатади. Мулкнинг келиши вақтига эса бу сумма устав капиталида кўрсатилади.

Корхоналар амалда қўлланилаётган қонунларга кўра ҳар йили эришган фойдасидан резервлар ташкил этишлари мумкин. Унга ҳар йили уставда кўрсатилган тартибда маблағ чегирилиб борилади. Ҳиссадорлик жамиятларида резерв капиталининг ҳажми устав капиталининг 15 % дан кам бўлмаган ҳолда ташкил этилади. Ташкил этилган фонд эса қуйидаги мақсадлар учун сарфланади: Кўрилган зарарларни қоплаш учун;

Корхона ҳисобот йилида фойда олмаган бўлса имтиёзли акциялар учун дивидент бериш;

Бошқа тўловларни амалга ошириш учун³.

Тақсимланмаган фойда бу корхонанинг ҳисобида турган соф фойдасини кўрсатади. У ҳам хусусий капитал таркибига кирувчи энг асосий кўрсаткичлардан саналади. Лекин фаолият юритувчи корхоналар ҳар сафар ҳам фойда билан чиқмаслиги мумкин. Бу ҳолда унинг зарари хусусий капитал билан қопланмаган зарар деб юритилади. Мазкур иккала қиймат ҳам «Тақсимланмаган фойда (қопланмаган зарар)» счётида юритилиб, уларнинг фарқи ишоралари орқали аниқланиб олинади.

Хусусий капитални шакллантирадиган иккита асосий манба мавжуд. Биринчи манба-бу компанияга дастлаб инвестиция қилинган пул ва дастлабки тўловдан сўнг компанияда амалга ошириладиган бошқа инвестициялар, иккинчи манба-бу компания фаолияти даврида олинган даромад.

ХУЛОСА

Ушбу тадқиқот бўйича қуйидаги хулосаларга келинди:

Хусусий капиталнинг асосий кўрсаткичиги барқарор молиявий ҳолатни таъминлаш ва банкротлик хавфини камайтириш ҳисобланади. Хусусий капитал иқтисодиёт эркинлиги, мустақиллигининг асосидир.

Айниқса, бугунги глобаллашув шароитида иқтисодий инфратузилмани молиялаштириш учун хусусий капитални жалб қилиш Ўзбекистон иқтисодиёти учун жуда муҳимдир. Аксарият мамлакатларда давлат молиясининг чекланганлигини ҳисобга олган ҳолда, хусусий сектор капиталини жалб қилиш бўйича инновацион чора-тадбирларни жорий этиш минтақада инфратузилмани молиялаштиришнинг тақчиллигини бартараф этиш учун жуда муҳимдир.

REFERENCES

1. Абдукаримов И.Т., Абдукаримова Л.Г. Изучение состояния и использования собственного капитала предприятия на основе бухгалтерской отчетности. Актуальные вопросы экономики и управления. 2013. - 237 с.
2. Агафонова А.С. Методика анализа структуры капитала. <https://cyberleninka.ru/article/n/metodika-analiza-struktury-kapitala>. 2020. – 122 с.
3. Астахов, В.П. (2012) Бухгалтерский (финансовый) учет: учебное пособие / В.П. Астахов. - 10-е изд., перераб. и доп. - М.: Издательство Юрайт, 988 с.
4. Дмитриева, И.М. (2012) Бухгалтерский учет и аудит: учеб. пос. И.М. Дмитриева. - 2-е изд. перераб. и доп. - М.: Издательство Юрайт, 287 с.
5. Исманов И.Н. (2016) Активлар тушунчасининг иқтисодий мазмуни ва уларни ҳисобга олишнинг айрим мунозарали жиҳатлари иқтисод ва молия / Экономика

³ Дмитриева, И.М. (2012) Бухгалтерский учет и аудит: учеб. пос. И.М. Дмитриева. - 2-е изд. перераб. и доп. - М.: Издательство Юрайт. - С. 111.

и финансы,

6. Лытнева Н.А. (2006) Методология концепции учета, анализа и аудита собственного капитала 08.00.12 - Бухгалтерский учет, статистика АВТОРЕФЕРАТ диссертации на соискание ученой степени доктора экономических наук Москва. 13 с.

7. Пети В., Смит А., Рикардо Д. (1993) Антология экономической классики. – М.: «Экономика», С. 117